



## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЯТ БОШ МЕЗОН

Умарова Фариди Саидикрамовна

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10316701>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> December 2023

Accepted: 08<sup>th</sup> December 2023

Online: 09<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Маънавият, жамият, инсон, таълим, тарбия, ёшлар, ахлоқ-одоб, маърифат.

### ABSTRACT

Мақолада ёшлар тарбиясида маънавиятнинг роли илҳом этилган. Унда маънавиятли инсонларгина ватан тақдири, халқ тақдири ва фаровонлиги, унинг равнақи ҳақида ўйлашлари ҳақида таъкидланган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач маънавиятини юксалтиришга ҳаракат қилмоқда. Маънавият жамиятнинг барча жабҳаларига, миллат ва мамлакатнинг тараққий этиши, келажаги ҳамда тақдирига тегишли қадриятга айланди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маърифатли жамият яратиш масаласи давлат даражасидаги долзарб вазифлардан бири сифатида кун тартибига қўйилган. Мамлакатимизда маънавий жамият барпо этиш асослари қуйидаги омилларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, маънавий жамият барпо этишда фуқароларнинг иштирок этиш жараёнларини кенгайтириш масаласидир. Инсонлар онги ва тафаккурида мустақиллик йилларида содир бўлган ўзгаришлар уларнинг маънавий-маърифий жараёни яхши англаб етишига ҳамда унда фаол иштирок этишига имкон бермоқда.

Иккинчидан, давлат томонидан маънавий жамият барпо этишнинг манавий ҳамда ҳуқуқий асосининг яратилганлигидир.

Шу ҳақиқатни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқки, сўнгги пайтларда мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган маънавий-маърифий жараёнлардан аҳолининг қониқиш даражаси ортиб бормоқда. Ёшларни вояга етказишда, комил инсон шахсини камол топтиришда миллий, умуминсоний қадриятлар уйғунлигини эътироф этиш, тарихий хотирани тиклаш, ўз шахсий манфаатларининг жамият манфаатларига ҳамроҳлиги келиши, жамият маънавий-маърифий ҳаётида бўладиган ўзгаришлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ёш авлод тарбияси, уларнинг маънавий оламини бойитиш, таълим-тарбия масалаларига қаратилаётган эътибор тобора кучайиб бормоқда. “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган



кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият” [1].

Мамлакатимиз том маънода ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ёшлари маданий эҳтиёжини қондириш, юксак маънавий мафкуравий билимини шакллантириш ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш жуда зарур бўлиб қолмоқда. Умуман олганда, мамлакатимиз олдида турган асосий вазифаларни, жумладан, жамиятни маънавий мезонлар асосида кўриш, янги маънавийлашган жамият барпо этиш ва ундаги барча фуқароларнинг ижтимоий ҳаётида маънавий-маърифий асосларни шакллантириш, юксак маънавият-енгилмас куч эканлигини, айниқса, вояга етиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини маънавий ахлоқий тизимлар асосида олиб бориш давлат сиёсатининг асосини ташкил қилибгина қолмай, балки жамият, миллат ўзлигини сақлаб қолиш ва тараққий этишига бош омил сифатида майдонга чиқади.

Биз маънавиятли инсон деган тушунчани жамиятимизда кенг тадқиқ қилар эканмиз, комил инсонларга эга бўлган жамиятгина барқарор ривожлана олади. Юксак ахлоқ-одоб, маърифатга таянган ва умумбашрий ғояларни онгига сингдириб олган киши маънавиятли инсон ҳисобланади. Маънавиятли инсонларгина ватан тақдири, халқ тақдири ва фаровонлиги, унинг равнақини ўйлайдилар ва қайғу чекадилар. Маънавиятли инсон иймон, эътиқод, ҳалоллик ва поклик тимсолидир. Биз ва бутун жамият аҳли шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Адолатли жамиятда имон-этиқодли бўлиш, ҳалол ва пок ватанпарвар бўлиш нечоғли зарур эканлигини ҳаммамизга аён дидир.

Биз санаб ўтган ана шу хислат ва фазилатларни ёшларимиз онги на қалбига сингдириш, уларни шу руҳда тарбиялаш, маънавияти оғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзuidaги анжуманда сўзлаган нутқида ёш авлод тарбиясига алоҳида тўхталиб: “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала - бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан” [2] - дея таъкидлаган эди .

Шунинг учун, биз олдимизга қўйган мақсадларга тўла эришишимиз учун ёшларга барча имкониятлар эшигини очиб беришимиз керак. Зеро ёшларга қаратилган эътибор ватан тақдирига қаратилган эътибор эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

### References:

1. Мирзиёев маънавиятни юксалтириш бўйича йиғилиш ўтказди// <https://qalampir.uz/news/prezident-ma-naviyatni-yuksaltirish-buyicha-yigilish-utkazdi-31829>



2. Шавкат Мирзиёев: ёшлар тарбияси – энг муҳим масалалардан//<https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyeev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017>
3. Атамуратова Ф. С. ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ ВЕЛИКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА И ИХ ВКЛАД В МЕДИЦИНУ. – 2016.
4. Отамуратов С., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари //Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент. – 2002.
5. Эркаев А. Маънавиятшунослик //Тошкент: Маънавият. – 2018.